

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛУ ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази**

**«Ота-она қарамогисиз қолган болалар билан ижтимоий иш
амалиёти»**

**МАВЗУСИДАГИ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ**

Бажарди:

**Хайитова Муборак
Кўпайсиновна**

Илмий раҳбар:

Профессор С.Маннопов

Битирув малакавий иш кафедра йиғилишининг ҳимоя олди муҳокамасида
кўриб чиқилди ва ҳимоя учун тавсия этилди

-сонли баённома _____ « _____ » _____ 2011 йил.

Фарғона 2011

Мазкур битирув малакавий иш “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий иш таълими ва амалиётини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида (2010) бажарилган. Лойиҳа Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ижтимоий иш сектори Миллий жамоа аъзолари томонидан, Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият Институти, Фарғона Давлат Университети, Республика болалар ижтимоий мослашуви Маркази билан ҳамкорликда ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, БМТ ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси кўмагида амалга оширилмоқда.

**Мавзу: Ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий
иш амалиёти**

Режа

Кириш

**I боб. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий
иш олиб бориш**

- 1.1. Ижтимоий ходимнинг ота-она қарамоғисиз қолган болани тутинган оилага жойлаштиришдаги мажбуриятлари.
- 1.2. Меҳрибонлик уйларида фаолият юритувчи ижтимоий иш ходимининг мажбуриятлари

**II боб. Оила ва болалар билан ижтимоий иш олиб боришнинг усул ва
йўллари**

- 2.1. Инқироз ҳолатидаги оилаларга ёрдам кўрсатишнинг йўллари
- 2.2. Ўзбекистонда ижтимоий иш бошқаруви борасида яратилган шарт-шароитлар

Хулоса

Тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги

Буюк мустақиллик шарофати билан ватанимизда ижтимоий маданиятни ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, оилани мустаҳкамланишига эътибор қаратиш, фарзандлар тарбиясига, таълим олишга жиддий ёндошиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Оилани қуришдан мақсад фарзанд кўриш, фарзандни баркамол инсон қилиб тарбиялаш бош мақсад қилиб кўйилмоқда. Юқорида зикр этилган фикрлар жамиятимиз олдида турган энг асосий ва долзарб вазифалардан биридир. Жамият ривожланиб, маънавий омилларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти органи сари оиладаги тарбияга эътибор ҳам кучая боради. Бу борада оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларда ота-она ва жамият олдидаги бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. “Юртимизда ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади,-деган эди Президентимиз И.А.Каримов,-шу боис оила ва ижтимоий, мафкуравий тушунчалар чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятда тутган ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етиш бизнинг асосий вазифамиздир”¹.

Оила – инсоният яралган муҳим ва муқаддас ижтимоий институт – муссаадир. Дарҳақиқат оила, айниқса ўзбек оиласи асрлар оша ёш авлодни тарбиялашда, комил инсонни вояга етказишда муқаддас маскан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ҳар бир инсонда Ватан тушунчаси илк бор тетапоя бўлиб ўсиб келаётган ёш гўдакнинг онги, руҳи ва қалбига кириб боради. Бутун умри ҳаётининг фаолияти давомида яна ҳам сайқаллашиб, мазмунан бойиб мужассамлашади. Бу жараён оиладаги соғлом муҳитда, ота-боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри, ака-ука, опа-сингилларнинг меҳри, оқибати орқали амалга оишб боради. Шахс маънавияти, ижтимоий маданияти,

¹ Каримов И. Миллий истиқлол ғояси – халқимизнинг ишончи ва эътиқоди. Т.: “Ўқитувчи” 2004 йил

дунёқараши, тафаккури, эътиқоди, иймони аввало оилада шаклланади. Хитой халқининг биринчи муаллими Конфуций оилани кичик бир давлатга таққослагани бежиз эмас. Қадимги юнон файласуфлари ҳам оиланинг жамият бирлиги ва осойишталигини сақлашда ва етук авлодни тарбиялашдаги ўрнини юқори баҳолаган. Буюк энциклопедист олим Аристотель оилани бахт-саодат уйи деб таърифлайди. Жисмоний соғлом ва маънавий бой оилани замирида ёш авлодни камол топтириш энг аввало оиладан бошланади. Юксак ахлоқли, инсоний фазилатлар, ватанпарварлик, Ватан билан ғурурланиш ва унга муҳаббат, унинг бахт-саодати, равнақи учун масъулиятни тарбиялаш, бугунги ғояларга, ёмон одоб-ахлоққа қарши нафақат руҳи даставвал оилада куртак отади. Оилада шаклланган одоб-ахлоқ, хулқ-атвор кейинчалик маҳаллада, меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида ривожланиб, шахснинг онги ва қалбига сингиб боради. “Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи оила мустаҳкамланишининг гаровидир”¹-дейди Президентимиз.

Бугунги кунда оилаларнинг ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш, жамиятдаги салбий кўринишларини таҳлил қилиш, жамиятдаги салбий кўринишларни олдини олиш, нормаллаштириш, долзарб вазифадир.

Қуйидаги функцияларни долзарб деб аташ мумкин:

- оила аъзоларини шахсини ривожланиши;
- ногиронларни эмоционал меъёрлаштириш ва уларни психологик даволаш;
- ёш авлодни ижтимоийлашуви;
- меҳнатга лаёқатсиз жамоа аъзолари ва вояга етмаганларни иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;
- оила аъзоларини аниқланган ижтимоий мавқеини кўрсатиш;
- болаларни парваришлаш, жамият аъзоларининг жисмоний соғлигини қўллаб-қувватлаш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон” 1997 йил

Ушбу йўналишларни долзарб вазифа сифатида баҳолаш бугунги куннинг мақсадидир.

Тадқиқотнинг услуб ва йўллари

Ушбу тадқиқот ишини олиб боришда унинг амалга ошириш жараёнида мақсад ва вазифаларни белгилашда аниқ услуб ва йўлларини ишлаб чиқишни тақазо этади. Бунинг учун аввало мавзунинг гнезиси, яъни келиб чиқиши ва ривожланиши жараёнини ўрганиб таҳлил қилиш, унинг илмий ва услубий кўрсатмалар асосида ёритишлик зарурияти муҳим ҳолат саналади. Ушбу мавзунини мазмун-моҳиятини очиб беришда, уни тўлақонли ёритишда, таҳлил қилишда, қуйидаги услуб ва йўллар мақсадга мувофиқ деб танлаб олинди.

1. Оилада миллий муҳитни яратиш омилларини таҳлил қилиш, оиладаги шарт-шароитларни ўрганиш.
2. Оилада миллий кадриятларга эътибор берилишига аҳамият бериш, унинг ахлоқий кўринишларига эътибор бериш.
3. Оиланинг тузилиши жараёнига эътибор бериш, оила аъзоларини касбий фаолиятини ўрганиш.
4. Оилада маънавий тарбияни йўлга қўйилганлиги ва унинг омилларини, фарзандлар маънавий дунёсини шакллантиришда ота-онанинг ўрнини таҳлил қилиш.
5. Оилавий кадриятларга эътибор берилганлиги ва унинг фарзандлар тарбиясига таъсир этганлигини ҳисобга олиш.
6. Хулоса қисмида барча ўрганилган омилларни умумлаштириб, умумий тарзда хулосага келиш ва натижаларни баён этиш, умумий ҳолатда яқун ясаш.

Тадқиқотни амалга оширишда оиладаги маънавий тарбияни ҳар томонлама ривожланган омилларини ўрганиш, ўзбек оиласини менталилетини, оилавий тузилмасини, оиладаги соғлом муҳитни яратишдаги шарт-шароитларини ўрганишдаги барча муҳим жиҳатлар ушбу тадқиқот ишини услуб ва йўлларини очиб беришдаги асосий вазифа деб тушинишликни тақазо этади.

Мақсад ва вазифалар

Барча амалга ошириладиган ишларни мақсад ва вазифалари аввалдан аниқланиб, бажариладиган ишлар белгилаб олинади. Ана шу мақсадга кўра мавзунинг ёритилиши, таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунимиз янгича тафаккур, ижтимоий-маданий мезон билан юз очаётган бир даврда ёш авлодни тарбиясини, маънавий баркамоллигини, ижтимоий моғиятини, тушунчасини бош масала деб қабул қилиш вазифасини кўяди.

Бугунги кунда жамиятимиздаги янгиликлар, болалар саломатлигини сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги олиб борилаётган ишлар, президентимизнинг бу борадаги оилб бораётган сиёсатидан келиб чиқиб тадқиқот ишини аниқ мақсадга йўналтириш, унинг вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарурати бош мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун республикамизда оила ва болалар билан ижтимоий ишни янгича босқичда шакллантириш, ижтимоий иш ходимининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилашликни, болалар тарбиясини шакллантиришнинг омилларини назарий ва амалий томонларини амалга оширишликни тақазо этади.

Ижтимоий ишчининг ўз амалий фаолиятида билими, малакаси ва маҳоратидан самарали фойдалана билиши муҳим вазифадир. Доимий равишда ўз профессионал малакасини ошириш, иш амалиётида тақдим этилаётган хизматларнинг ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида янги ёндашувлар ва усулларни қўллаш асосий йўналишларидан биридир. Махсус мактабларда, меҳрибонлик уйларида, ота-онасиз болаларни тутинган оилаларга жойлаштиришда ҳомийлик ва васийлик ташкилотларининг нуфузини ошириш асл мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракат қилишликни тақазо этади. Ижтимоий ишчилар уларнинг хизматидан фойдаланувчи одамларга нисбатан ҳайрихоҳлик, ҳамдардлик ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлишлари лозимлиги мақсад ва вазифани аниқ белгилайди.

Тадқиқотнинг услуб ва йўллари

Ушбу тадқиқот ишини олиб боришда унинг амалга ошириш жараёнида мақсад ва вазифаларини белгилашда аниқ услуб ва йўллари ишлаб чиқишни тақазо этади. Бунинг учун аввало мавзунинг гнезиси, яъни келиб чиқиши ва ривожланиши жараёнини ўрганиб таҳлил қилиш, унинг илмий ва услубий кўрсатмалар асосида ёритишлик зарурияти муҳим ҳолат саналади. Ушбу услуб мавзу мазмун-моҳиятини очиб беришда, уни тўлақонли ёритишда, таҳлил қилишда, қуйидаги услуб ва йўллар мақсадга мувофиқ деб танлаб олинди.

1. Оилада соғлом муҳитни яратиш омилларини таҳлил қилиш, оиладаги шарт-шароитларни ўрганиш.
2. Оилада миллий қадриятларга эътибор берилишига аҳамият бериш, унинг ахлоқий кўринишларига эътибор бериш.
3. Оиланинг тузилиш жараёнига эътибор бериш, оила аъзоларини касбий фаолиятини ўрганиш.
4. Оилада маънавий тарбияни цўлга қўйилганлиги ва унинг омилларини, фарзандлар маънавий дунёсини шакллантиришда ота-онанинг ўрнини таҳлил қилиш.
5. Оилавий қадриятларга эътибор берилганлиги ва унинг фарзандлар тарбиясига таъсир этганлигини ҳисобга олиш.
6. Хулоса қисмида барча ўрганилган омиларни умумлаштириб, умумий тарзда хулосага келиш ва натижаларни баён этиш, умумий ҳолатда яқун ясаш.

Тадқиқотни амалга оширишда оиладаги маънавий тарбияни ҳар томонлама ривжланган омилларини ўрганиш, ўзбек оиласи менталитетини, оилавий тузилмасини, оиладаги соғлом муитни яратишдаги шарт-шароитларни ўрганишдаги барча муҳим жиҳатлар ушбу тадқиқот ишини услуб ва йўллари очиб беришдаги асосий вазифа деб тушинишликни тақазо этади.

Илмий фараз

Амалга ошириладиган барча ишларни аввал бошида бош мавзу сифатида мақсад ва вазифалар ётади ва ана шу барча мақсадларни амалга ошириш қандай ижобий натижа беришини асослаш зарурдир. Ушбу битирув малакавий ишнинг мазмун-моҳиятини очишда аниқ натижага яқинлашиш, мақсаддаги ишларни бажаришда аниқ жойнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадни амалга оширишда, барча йўл-йўриқларга монанд режалар тузиш, оилалардаги ижтимоий жараёнларни ўрганишда, оилаларнинг замонавий тенденцияларига аҳамият бериш, уларни ўрганишнинг аниқ услубларини яратиш, муҳим вазифа деб белгиламоғи зарур бўлади. Ана шу мақсадларни амалга оширишда ўзим ишлаётган Қўқон шаҳар 17-меҳрибонлик уйи аниқ жой қилиб белгиланди. Мен бу меҳрибонлик уйида ижтимоий масалалар бўйича раҳбар ўринбосари бўлиб ишлайман. Директоримиз Тоғаева Дилдорахон оилалар билан меҳрибонлик уйи орасида муносабатларни, алоқа ва зарурий жиҳатларни яхши йўлга қўйганлигини айтиб ўтмоқчиман. Меҳрибонлик уйида 78 та бола тарбияланади. Болалар 3 ёшдан 12 ёшгача бўлиб, 4-синфдан сўнг 12-меҳрибонлик уйига ўтади. Кам таъминланган, ярим етим болалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Болаларни тутинган оилаларга ўтказиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари инқироз ҳолатидаги оилаларга ҳам ёрдам кўрсатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мавзунинг кириш қисмига хулоса қилинадиган бўлса, оила муаммоси бош мавзунини ташкил этишни изоҳлаш мумкин бўлади. Бунда оилаларни ижтимоий аҳволини ўрганиш, оила тарбияси баркамол авлод тарбиясидаги муҳим омиллардан эканлигини айтиш заур бўлади.

I Боб

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, асосий устивор йўналишларидан бири алоҳида кўмак ва эътиборга мухтож одамларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўлган ижтимоий ҳимоя ва аҳолига хизмат қилишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шаклланди. Бу шароитда ижтимоий соҳада аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатлами билан ишлашда билим ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ходимларга эҳтиёж ва тегишли тарзда янги касбий фаолият – “Ижтимоий ишчи”га зарурият юзага келади.

Ўзбекистонда ижтимоий иш институти 90-йиллар охирига келиб шакллана бошлади. Бунинг учун 1998 йилда билим ва таълим ихтисосликлари ва йўналишлар Умумдавлат классификаторига киритилиши асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси касблар ва лавозимлар миллий классификаторига “ижтимоий иш касби ва ижтимоий иш мутахассислиги” киритилди.

“Ижтимоий иш” йўналиши бўйича таълим Тошкент давлат маданият институти ва Самарқанд, Фарғона давлат университетларида олиб борилади. Тошкент давлат маданият институти ижтимоий иш бўйича мутахассислар тайёрлаш соҳасида етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади, унда бакалаврият ва магистратурада талабалар тайёрлаш амалга ошириладиган дастлабки ижтимоий иш факультети очилди. Бундан ташқари 2007 йилдан бошлаб малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш факультети қошида республика боаллар ижтимоий мослашуви ҳамкорлигида БМТнинг Ўзбекистондаги ЮНИСЕФ болалар жамғармаси кўмагида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларидаги ижтимоий иш ўқитувчилари ва болаларни ижтимоий

химоялаш ташкилотлари ҳамда муассасаларининг ходимлари учун ижтимоий иш бўйича тўрт ойлик қайта тайёрлаш курслари олиб борилмоқда¹.

Юқорида зикр этилган Ўзбекистонда ижтимоий ишчининг профессионал ва этик кодексидаги “Ижтимоий иш” касбининг таърифи ва тавсифи алоҳида диққатга сазовор бўлиб, ижтимоий иш бўйича билим ва кўникма, малакаларни, ўқув режаси тузилмасини “амалиётга киритган ҳолда” ва билимлар ҳамда ахборотларни ижтимоий ишнинг замонавий назариялари ва моделларига мувофиқ равишда доимий янгилаш жараёнини ифодаловчи таълим стандартига асосланган таълим жараёнини ривожлантириш кўзда тутилади.

Ижтимоий иш касбий фаолиятининг барча йўналишларига назар солсак, улар орасида ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан иш олиб бориш алоҳида ўзининг хусусиятларига эгаки, бунда бу борада, ижтимоий ишчи ходимининг мажбуриятлари, ушбу касб эгасига алоҳида масъулият юклайди.

¹Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимояси муаммоси бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган муаммога айланиб бормоқда. Айни даврда кўпгина мамлакатларда деинетитуционализация муаммоси ижтимоий ҳимоя тизими эътиборининг марказига чиқмоқда. Яъни махсус муассасаларда боланинг шахсий хусусиятлари ва хулқ-атвори шаклланиш муаммоси боғлиқ болани жойлаштиришнинг қулай шароитлари ва тўлиқ ривожланишидаги имкониятларининг самарали шаклланишини ишлаб чиқиш, уларни ҳаётини яхшилаш, шу билан бирга ҳар томонлама меъёрда ривожланиши учун зарур имкониятларни яратиб бериш; болаларни барча ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг касбий салоҳият билан амалга оширилишини таъминланиши масаласи кенг амалий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

¹ Ўзбекистонда ижтимоий ишчининг профессионал ва этик кодекси. 1 қисм. “Ижтимоий иш” касбининг таърифи ва тавсифи.

¹ Ушбу боб ТБИММ бош мутахассиси Дилноза Собированинг “Ижтимоий иш ходимининг функционал мажбуриятлари” мақоласи асосида тайёрланди. “Бола ва замон” журнал №4, 2009

Нафафат Ўзбекистон балки ҳамжихатлик давлатларида қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган боларни умумтарбиявий муассасаларга топшириш ва уерда болалрни жамоатчилик тарзида тарбиялаш, уларнинг ҳар томнлама ривожланиши учун шароитлар яратиб бериш анъанаси кенг жорий қилиб келинади. Шунга мувофиқ жаҳон илмий дунёси намоёндалари айнан мазкур институтционализациялашган муассасалрад болар яшайдиган шароит ва ҳаёт тарзининг болалар руҳиятига нечоғлик таъсири мажудлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлари натижаси етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлиги ҳақидаги илмий тасдиқлангн хулосаларнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Жумладан, меҳрибонлик уйи каби институтционализациялашган муассасаларда тарбияланаётган боларнинг тўлиқ ривожланиши учун олиб борилаётган ҳам педагогик, ҳам психологокоррекцион тадбирларнинг салмоғи тўлиқ оила таркибида ўсиб-улғайиб келаётган тенгдошлари билан олиб борилаётган ҳам педагогик, ҳам психологокоррекцион тадбирларнинг салмоғи орасида катта тафовутлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ижтимоий, оталик ва оналик депривацияси институтционализациялашган шароитларда илмий-услугий ёндашувларнинг қай даражада сифатли бўлишдан қатъий назар мазкур тарбия муассасаларини битириб чиқаётган болаларнинг ҳаётга мослашуви ва жамиятга самарали интеграциялушуви жараёнида ўзига хос кемтикликни юзага келтираётгани бежиз эмас. Чунки тўлиқ ва ахлоқлан, маънан етук оилада ўсаётган бола унинг заминида мавжуд бўлган ахлоқий меъёрларни, ижтимоий рол ва муносабатларни, хўжалик юритиш кўникмаларини, келгуси авлодни тарбиялаш малакаларини эгаллаб боради.

Хўш, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни самарали ижтимоийлашувини таъминлаш, сифатли ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, ижтимоий етимликнинг олидини олиш каби соҳаларда олиб борилаётган барча тадбирларнинг ҳақиатда ижобий натижа бериши учун нималар қилиш керак?

Бугунги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қийин ҳаётий вазиятда қолган оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш фаолияти билан шуғулланувчи ижтимоий ходимларнинг фаолиятини фаоллаштириш, болаларни институционал, яъни жамоатчилик тарбия муассасаларига эмас, балки, боланинг меъёрида ривожланиши учун намуна бўла оладиган оила таркибида тарбиялаш ресурсларини кидириш жамиятнинг келгусидаги равнақини таъминлаш учун олдиндан қўйилган таъмал тошидир. Хусусан, ижтимоий ходимлар – бу қийин ҳаётий вазиятда қолган оила ва болаларнинг танг ҳолатдан чиқиб кетишига салоҳиятини ёрдамни аямайдиган, демакки, аҳолининг ўз фаровонлигига эришишида ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишида кўмаклашувчи профессионал мутахассисдир. АҚШ, Англия, Россия ва Украина каби давлатларда мавжуд аҳолини ижтимоий иш ходимлари каби мутахассисларнинг ёрдами асосида қўллаб-қувватлаш тажрибаси, бутун дунёда деинституционализация жараёнининг кескин тарзда кечишига асос бўлмоқда. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, муваққат характерга эга бўлган ва изчил равишда ишлаб чиқилган ҳимоялаш тизимида хизмат кўрсатиш ижтимоий ходим каби мутахассислар ҳамкорлиги ва ёрдамида ташкиллатрилади.

Сўнгги йилларда давлатимиз ижтимоий ҳимояси тизимига жорий этиб келинаётган ижтимоий иш ходимларининг аҳоли ўз ҳаётидаги ижтимоий ўзгаришларда салмоқли ҳиссалари мавжуд. Хусусан, оила ўрнини босувчи тутинган (фостер), яъни муқобил оилаларни тайёрлаш, мазкур оилада тарбия топаётган етим қолган болалар руҳиятига хос бўлган хусусиятларнинг ўзгаришини кузатиш, заруриятида тегишли рдамни кўрсатиш; уларнинг ҳаёт тарзларини ташиллаштиришга салоҳиятли кўмак бериш; тутинган ота-онага психологик, ижтимоий ва педагогик ёрдам кўрсатиши функциясини бажарувчи ташкилотлар билан алоқа боғлаган ҳолда, чет эл тажрибасидан ва бизнинг ҳудуд имкониятидан келиб чиқиб, мослаштирилиши ва кенг жорий этилиши бизнинг назаримизда давлатимиз миқёсида қийин ҳаётий вазиятга

тушиб қолган болаларни ижтимоий сифат кўрсаткичи жиҳатидан ошишига туртки бўлиши зарурий ҳолдир.

Ижтимоий иш ходими ва улар фаолиятининг афзаллиги борасида фикрларимизни аниқ ифодалаш учун қуйидаги схематик тасвирга эътиборингизни қаратамиз.



АҚШ ва Англияда ўз биологик ота-онаси билан яшаш имкониятига эга бўлмаган болаларни фостер оилаларга бериш занжирсимон келишувга биноан тузиладиган шартнома талабалари асосида амалга оширилади: Ғарб мамлакатларида болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида амалга ошириладиган барча тадбирларнинг марказий ишторокчиси сифатида ижтимоий ходи амалий масалаларни ҳал этувчи мутахассис сифатида фаолият юргизади. Қийин ҳаётӣ вазиятдаги оила, етим қолган бола ёки

ногирон бола, вояга етмагн ҳуқуқбузар болалар тоифаси билан ишловчи ихтисослашган ижтимоий ходимлар шулар жумласидандир.

Бундай вазиятларда фостер оила билан ишлашга ихтисослашган ижтимоий ходим хизматидан фойдаланилади. Лекин, шу билан бир қаторда, боланинг биологик оиласи билан ишловчи алоҳида ижтимоий ходим хизмати ҳам кўрсатиб борилади.

Юқоридаги тасвирга эътибор берадиган бўлсак, муаммо марказида турган биргина болага ижтимоий хизматни ташкиллаштиришда ва унинг ҳаётини яхшилашда боланинг то биологик ота-онаси билан реабилитацион ишлар ўз ижобий натижасини бермагунча, ижтимоий ходимлар ҳар уч томонлама фаолликни ҳамкорикда амалга оширадилар.

1.1. Ижтимоий ходимнинг ота-она қарамоғисиз қолган болани тутинган оилага жойлаштиришдаги мажбуриятлари

Ижтимоий ишчилар жамиятдаги ва ўзлари хизмат қилаётган индивидум, оилалар ва ҳамжамият ҳаётидаги ўзгариш агентлари ҳисобланадилар. Ижтимоий иш ўзида қадриятлар, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқ тизимини акс эттиради¹.

Қуйида болани тутинган оилага жойлаштириш жараёнида ижтимоий ходимларнинг функционал мажбуриятлари борасида фикр юритилади:

Болани исталган янги муҳитга, бу ўринда янги ва бола учун бутунлай бегона бўлган оилага жойлаштириш болада ўйга хос жароҳатли кечинмаларини уйғотиши сир эмас. Шу боис бу босқичда бола бошидан ўтказиши эҳтимоли бўлган кечинмаларни унутмаган ҳолда бола ва тутунган оила билан иш олиб бораётган ижтимоий ходим ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндошиши лозим. Болани фостер оилага жойлаштириш режали жараён сифатида ташкиллаштиришига алоҳида эътибор бериш керак(тезкоорликни талаб этувчи вазиятлардан ташқари).

¹ Ўзбекистонда ижтимоий ишчининг профессионал ва этик кодекси. 1-қисм. “Ижтимоий иш” касбининг таърифи ва тавсифи.

Жараённинг режали тарзда ташкиллаштирилиши эвазига бола ва тутинган оила тарбиячиси ҳаёт тарзида кечиши кутилаётган ўзгаришларга тайёрланиши учун имконият пайдо бўлади. Бола эҳтиёжларини қондира олиш учун барча имкониятларни яратиб бера оладиган мос тутинган оилани белгилаш. Бу борадаги қарор бола эҳтиёжлари ва маъқул топилган тутинган оила аъзолари эга бўлган кўникма, қобилиятларнинг мавжудлик имкониятига қараб қабул қилинади. Тутинган оила билан ишловчи ижтимоий ходим тутинган оила билан учрашиб, қўлланилиши керак бўлган барча хатти-ҳаракатлар ва бола ҳаёти тарихини муҳокама қилиб олади. Ижтимоий ходим бола ҳақида иложи борича атрофлича маълумотлар тўплаши лозим. Бу маълумотлар тутинган ота-оналарда болани ўз ғамхўрлиги остига олиши ёки олмаслик ҳақида қайий қарор қабул қилишга ёрдам беради. Бу босқич шуниси билан аҳамиятлики, айнан шу даврда тутинган оиланинг ушбу маълумотларидан хабардор этилиши бола ва тутинган оила аъзолари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ёки болани жойлаштириши билан боғлиқ бошқа муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олади ва бола учун ижобий оилавий тажриба олиш имкониятини оширади. Агар опа-ука, яъни 2 ёки 3 та ака-укаларни бир оилага (қаридошларни бир-биридан ажратмаслик тамойили асосида) жойлаштириш керак бўлса, у ҳолда ҳар бир болага хос бўлган индивидуал тавсиф ва атрофлича маълумот берилади. Шунингдек, бола кечирган ҳиссий жароҳатли кечинмалари, жумладан, жинсий, жисмоний, психологик зулм жабрдийдаси бўлган болага хос бўлган хусусиятлари ҳамда психологик муаммолари ҳақидаги батафил маълумотларнинг берлиши бола ва тутинган оилада юзага келиши мумкин бўлган келишмовчилик ёки муносабатлардаги бузилишларнинг олди олинишига ёрдам беради. Имкон қадар болани тутинган оила ҳимоясига жойлаштиришдан олдин ижтимоий ходим – номзод тутинган ота-оналарнинг бола яшаётган жойига (институционал) муассаса ёки биологик оиласи ташрифини уюштириши лозим. Бундай ташриф бола ва тутинган оила аъзолари ўртасида ўзаро илиқ муносабатнинг юзага келишини таъминловчи

бирламчи ва боғловчи босқич сифатмда хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, бўлғуси тутинган ота-онага боланинг яшаш тарзи ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлишида ёрдам беради. Бола ҳақидаги маълумотлар ҳажмини кенглигини инобатга олган ҳолда болалар ижтимоий ходими билан биргаликда бўлғуси тутинган оилага ташриф буюриши ва мазкур болага тегишли барча масалаларни муҳокама қилаб олиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тутинган ота-оналарга болалар ижтимоий ходими томонидан тайёрланган ҳисоботнинг тақдим этилиши бола ва у билан боғлиқ масалалар бўйича юага келган саволларнинг атрофлича келишиб олинишига катта ёрдам беради. Боланинг бўлғуси фостер оила билан атрофлича маълумотлардан хабардор этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки боланинг яшаш тарзи, оила таркиби, уй шароити, қизиқишлари ва бир қараганда ҳатто у даражада аҳамиятга эга бўлмаган маълумот сифатида бефарқлик уйғотувчи кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ майда маълумотларга эга бўлиши унинг янги тутинган ота-она ва оиладаги бошқа аъзолар билан ҳиссий боғланишининг шаклланиши имкониятини оширади. Агар ҳар икки томон, яъни болалар ижтимоий ходими ва тутинган оила ижтимоий ходими ҳам бола, ҳам оиланинг ўзаро бир-бирига мос келиши ва болани шу оилага жойлаштириши ҳар икки томоннинг эҳтиёжини қондира олиши ҳақидаги ҳулосага келган тақдирда ташриф режаси тузилади. Бунда боланинг бола ҳозирда яшаётган жойга ташриф буюриши кундалиги, унинг қўшимча талимини кузатиш ва шу каби қатор масалалар изчил равишда режалаштириб олинади, шунингдек, тутинган оилага уюштириладиган ташрифлар ҳам инобатга олинади. Ҳатто болани кўпи билан икки кунга бўлғуси тутинган оилага меҳмонга юбориши ҳам мақсадга мувофиқдир. Болалар ижтимоий ходими бола билан учрашув натижалари ва унинг бу оила ҳақидаги фикрларини ойдинлаштириб олиши лозим. Агар ҳақиқатда ҳамбола учун ушбу оила энг мақул оила деган ҳулосага келиши учун асослар кўп бўлса у тақдирда болани жойлаштириш куни белгиланади. Албатта, бу давр мобайнида ижтимоий ходим бола учун барча керакли хужатлар жилдини

тайорлайди. Тегишли масъул идора ва шаҳарлар ижтимоий ходимлар томонидан тақлид этилаётган болани жойлаштириш шакли ва оила ҳақида умумий хулосага келганларидан сўнг боланинг янги оила кўчиб ўтиш куни белгиланади. Болалар ижтимоий ходими белгиланган кун ва вақтда болани унга тегишли буюмлар билан биргаликда янги оилага олиб келади.

Болани ижтимоий ходими билан бола истиқомат қилаётган тутинган оилага жойлаштиришнинг дастлабки биринчи ҳафтасида, кейин эса 3 ҳафтадан сўнг, кейинчалик ҳар беш ҳафтада бир маротаба оилага ташриф буюриб туради.

Тутинган оила бўйича белгиланган ижтимоий ходим оила ва болага ёрдам бериш учун келишга доим тайёрдир. Боланинг ривожланиши билан боғлиқ муаммо пайдо бўлган тақдирда уни оила аъзолари билан биргаликда ҳал қилиш, зарурият туғилганда биргаликда тегишли муассасаларга муружаат қилиш, тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш (тиббий муассасалар билан фуқаро орасида хизматни ташкиллаштирувчи ёрдамчи сифатида) ишлари билан шуғулланиб боради. Ижтимоий ходим тутинган ота-оналарнинг кучли ва кучсиз томонларини белгилай олиши ва тарбияланувчилар билан шуғулланиш давомида юзага келаётган масалаларни ҳал қила олиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Болани оилага жойлаштирилганидан кейинги назорат куйидагича тарзда олиб борилади:

- дастлабки 4 ҳафта мобайнида;
- 6 ойда бир маротаба.

Агар бола 2 ёшдан кичик бўлса, у тақдирда назорат даврийлиги 3 ойдан иборат бўлади. Чунки, асосан боланинг 2 ёшгача бўлган давридаги ривожланиши жадал характерга эга бўлиб, у ўз ўрнида кўпроқ кузатув олиб борилишини талаб қилади. Бундай назоратларда тутинган ота-она, бола ижтимоий ходими ёки оилага жойлаштирилгунига қадар бола яшаган муассаса ижтимоий ходимлари, боланинг ўқитувчилари ёки тарбиячилари ва биологик оила аъзолари иштирок этишлари мумкин. Оила билан ижтимоий

иш олиб боришда ижтимоий ходим умумий нуқтаи назардан ёндошиши лозим. Аввало оилани аниқлаш. Оиланинг асосий типи ва функциясини, таҳлил қилиш, замонавий жамиятда оила эволюциясини тушиниб етиш зарур бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистонда мазкур жараённинг хусусияти, оиланинг ижтимоий муаммоси, оилавий сиёсати аниқлаш, оилани ижтимоий муаммоси, оилавий сиёсатни аниқлаш. Оилани ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий ёрдам, оилаларга ижтимоий хизмат борасида олиб борилаётган ишлар аниқ мақсад сари кўзланган бўлиб, оилаларнинг ижтимоий манфаатлари юзасидан давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу соҳаларни янада ривожлантиришнинг истиқболли режалари тузилган. Болани парвариш қилиш учун ҳар бир курсни ўтиш жараёнида болани ривожланиши ҳақидаги қонуниятларни билиш зарур. Бу бола билан ишлайдиган ҳар бир ижтимоий ишчи учун асосий талаблардан биридир. Давлат ва нодавлат ташкилотининг мутахассисларини ўқитиш жараёнида мазкур назарий билимлардан бола ҳақида мутахассисларнинг хабардор эканликларини аниқланган. Шунинг учун ижтимоий иш ходими инсонларга ёрдам беришда ва уларни билимларини болаларнинг ривожланиши ва уларнинг эҳтиёжлари билан боғлиқлигини баҳолашни амалиётда ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Болаларнинг ривожланиши бўйича муҳокама болларни алоҳида эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларни ва ривожланишдаги оғишиш ва унинг сабабаларини аниқлаш имконини беради. Бундай муҳокамалар болаларни институционализацияси ва яқин инсонларни йўқотиши эътиборсиз, шавқатсиз муносабатга олиб келиши мумкин. Келгусида ижтимоий ишчи болалар билан ишлаш ёки ишламаслигидан қатъи назар боланинг келгусидаги ривожланиши ҳақидаги билимлардан хабардор бўлиши зарур. Ушбу параграфга хулоса қилиб айтганда, ижтимоий иш ходими оила ва болалар билан, айниқса ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ишлашда ўзарининг мажбуриятларини ситқидилдан бажарилишлари муҳим шарт қилиб қўйилади. Ушбу юқорида таъкидланган ишларни бажариш учун бугунги кунда республикамизда шароит яратилган бўлиб,

халқимиз менталилети ёки урф-одатлари, кадриятлари асосида ёндошишликни тақазо этади. Зеро, эркин, демократик ҳуқуқий давлат қурилишида бу тарбиялар муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Меҳрибонлик уйларида фаолият юритувчи ижтимоий иш ходимининг мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сонли “Меҳрибонлик уйлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори асосида ушбу таълим-тарбия муассасаларида илк бора ижтимоий ходим вазифаси жорий этилди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат муассаса ходимларидан тарбияланувчилар билан ишлашда ҳамкорлик тамойили асосида ёндошишни талаб қилади. Зеро, бу ёндошув ҳар бир тарбиявий жараённинг асосий бўғини бўлиб қолмоғи лозим. Ижтимоий педагогик-психологик хизмат таркибидаги муассаса психологи, шифокор, дефектолог, катта етакчи кутубхоначиларнинг ўзаро фаолияти ҳам ҳар бир тарбияланувчининг ҳар томонлама ижтимоий ҳимояланишга қаратилади.

Бугунги кунда меҳрибонлик уйларида жорий этилаётган хизмат муассаса ходимларидан иш жараёни тартиби ва усуссларини қайтадан кўриб чиқишга тақазо этади. Чунки хизмат ходимлари эндиликда боланинг қуйидаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояланишини таъминлаш мақсадиди ҳар бир масалада консилиум ташкиллаштиришлари ва ҳамжиҳатликда масалани ҳал қилишлари зарур бўлади. Улар қуйидаги амалга оширилади:

- тарбияланувчиларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда уларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш;
- тарбияланувчилар билан диагностик, психологик-профилактик маслаҳат бериш ва реабилитация ишларини олиб бориш;
- меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари, педагоглари, маъмурий ва бошқа ходимлари билан психологик-профилактик маслаҳат бериш таълим (семинарлар, тренинглар) ишларини олиб бориш;

- тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан маслаҳат бериш ва реабилитация илари олиб бориш.

Ижтимоий ходим раҳбарлиги остидаги хизматнинг ходимлари иш фаолияти асосий қуйидаги йўналишларини ажратиб, кўрсатиш лозим:

а) тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

б) боланинг меҳрибонлик уйида яшашга мослашиш учун зарур бўлган имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш, тарбияланувчининг ҳуқуқ-атворидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш;

в) тарбияланувчиларни муқобил оилавий шаклларига жойлаштириш ёки ўз биологик оиласига қайтариш ишлари билан шуғулланиш.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларнинг ижтимоий вазиятга алоҳида эътибор қаратилган бўлган ҳолда, тарбияланувчининг аксариятини ижтимоий етимлар ёки “шартли етимлар”, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ташкил этишининг гувоҳи бўламиз.

“Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низом”нинг қайта кўриб чиқилган таҳрири эндиликда ҳудудлардаги васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига алоҳида мажбуриятлар юклайди. Чунки нафақаи чекка вилоятларимиздаги меҳрибонлик уйларида ҳам муассаса контингенти қаторида ўз ота-онаси билан яшаш имкониятига эга бўлган болалар ҳам тарбияланмоқда. Улар қанчалик яхши шароитда яшашмасин бу муассасадаги чиройли ҳаёт, етарли моддий ва маънавий таъминот, қатъий режали кун тартиби ходимларнинг алмашинуви муаммоси мавжуд бўлсада, уларнинг болага нисатан меҳри, муносабати ўз туғишган ота-онасининг, қариндош-уруғларининг ўрнини боса олмайди. У ўз оиласида олиши мумкин бўлган оилавий тарбия тажрибасини оила аъзолари билан шахслараро муносабат қуриш бу сиёсатларнинг қанчалик бошқа яхши шароит таъминламасин, ўз оиласидагидек ололмайди, ўз оилвий мансублиги кўплаб қувватлаш, уларнинг самарали ижтимоийлашувини таъминлашда оила ўрнини ҳеч бир жой боса ололмайди. Шу боис ҳам эндиликда

меҳрибонлик уйидаги болаларнинг манфатларини тўлиқ ҳимоялаш мазмунига бирмунча ўзгаришлар киритилиши давр талаби тақозо этаётган масалалардан биридир. Яъни муассаса тарбияланувчисининг ўз биологик ота-онаси билан алоқасини тиклаш, ўзаро ижобий муносабатларни шакллантириш, заруриятда ота-онаси ва яқин қариндошлари билан психолог маслхатли ишларни олиб бориш, зарур ижтимоий ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштириш, имкон бўлганида уларни ўз оилаларига қайтариш каби тадбирлар, эндиликда муассасада фаолият юритаётган ижтимоий иш ходими фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этиши лозим. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққн ҳолда, ўйлаймизки, давлатимиз ижтимоий ҳимоя тизимининг ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ саъй ҳаракатларнинг манзиллигини ошириш мақсадида ижтимоий иш ходимлари фаолиятини умумтаълим муассасалари, болалар уйи, мурувват уйлари, саховат уйлари, маҳалла, маҳаллий ҳокимиятлар каби бошқа идора ва ташкилотлар структурасига жорий этилиши юртимиздаги ижтимоий ҳимоят тизимининг ислох қилинишида ва заруромил бўлиб хизмат қилади.

Бир нарсани унутмаслик керакки, бизнинг халқимиз болажон халқдир. Болаларни меҳрибонлик уйларида ҳам олиб кетиб, ўз фарзандидек боқиб тарбиялаб жамиятга керак бўлган авлодни қўшаётгани яққол кўзга ташланади. Шунинг учун республикада меҳрибонлик уйларининг сони камайиб бормоқда. Чет эл андозасида бу ҳар доимгидек иш тушинилади ва ана шундай уйларнинг кўплиги, фостер оилаларнинг қонуний актлари орқали ҳаракат қилиши қонуний нуқтаи назаридан амалга оширилади.

Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган боланинг привожданишидаги эҳтиёжларини баҳолаш параметрлари аниқ амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада чет эл тажрибасига таяниш фойдадан холи бўлмайди. Чунки боланинг соғлиғи унга яратилган шароит билан боғлиқ бўлиб, доимий

назоратни талаб қилади вапараметрлар орқали амалга оширишни асосий вазифа қилиб белгилайди.

Соғлиқ – ўз ичига ўсиш, ривожланиш, жисмоний ва ақлий аҳволини олади. Наслий ёки турли хил бошқа травмага солувчи омилларни ҳам инобатга олиш зарур. Бола касал бўлиб қолган бўлса, зарур тиббий муолажаларни олиши, мос ва тўлақонли овқатланиш тартиби, жисмоний талаблар, заруриятда ва ёш даврларида оладиган вакцинациялар, ривожланиш мобайнида тиббий кўриқдан ўтиб туриши, окулист ва дантисит кўригида бўлиб туришини ўз ичига олади. Ёши каттароқ бўлган болаларга соғлиғига таъсир этувчи омиллар ҳақида суҳбат уюштириш орқали маслаҳатлар ва зарур маълумотларни бериш, шунингдек жинсий ривожланиши, жинсий маданият ва маълумот, турли хил зарарли воситалардан фойдаланишнинг зарарлари ҳақида тўхталиб ўтиш зарур.

Маълумот – боланинг туғилганидан бошлаб, ақлий ривожланиши билан ўйнаш ва мулоқотга киришиш учун зарур бўлган имкониятларнинг мавжудлигини ҳам инобатга олади, бунда китоблардан фойдалана олиш имконияти, бошқа ёшга хос бўлган эгалланиши лозим бўлган кўникма ва малакаларнинг эгалланганлиги, ютуқ ва эришилган натижалар билан боғлиқ ҳис-туйғуларни кечира олиши. Шунингдек, ўз таркибига катталарнинг юолани таълимий фаолияти, унинг тараққиёти ва эришган ютуқларига нисбатан қизиқишларини ҳам олади. Оилада шундай киши бўлиши керакки, токи у боланинг ҳозирги ривожланиши босқичидан келиб чиққан ҳолда унинг таълим олиши билан боғлиқ барча эҳтиёжларнинг қондирилишига эътибор қарата олсин.

Ҳиссиётларнинг ривожланганлиги

Ҳис-туйғулар ҳамда ҳатти-ҳаракатлар орқали боланинг намоён этаётган муносабати назарда тутилади. Дастлаб, катталарнинг ёки ота-онанинг, яқин инсонларнинг иштирокидаги ҳолати, кейин эса бола катта бўлиб борган сари нотаниш кишиларнинг олдида ўзини тута олиши. Ўз ичига илк боғланганликнинг табиати ва фазилатларини, турли хил ўзгарувчан

шароитларга мослаша олиш имкониятини, стрессга нисбатан жавоб реакцияси ва ўзини назорат қила олиш даражасини олади.

Мансублик

Болада шаклланаётган шахсий индивидуалликка хос бўлган ва алоҳида бир бутун ҳамда кадрли инсонлигини ҳис қила олишини ўрганеди. У ўз ичига қўйидагиларни олади: боланинг ўзига ва қобилиятларига нисбатан муносабатини, ўз образини қандай тасаввур қилиши ва ўзини қандай баҳолаши, ўзига нисбатан ижобий баҳонинг мавжудлиги. Бунга шунингдек, ирқий, диний мансублигини, жинси, ёши, чегараланган имкониятларини ҳам киритиш мумкин. Оилага мансублик ҳисси, оила, тенгдошлари гуруҳи ва жамият томонидан қабул қилиниши (маданий мансублик ҳам) билан боғлиқ ҳис-туйғулар киради.

Оила ва ижтимоий ўзаро муносабатлар

Ҳайрихоҳлик, ҳамдардлик ҳамда бошқа инсоннинг ўрнига қўя олиш имкониятининг ривожланиши. Ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи кишилар, ака-укалар, опа-сингиллар, яқин қариндошлар, кўни-қўшнилар билан муқим ва ҳиссий илиқ шахслараро муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги, тенгдошлар ҳамда бола учун кадрли бўлган бошқа инсонлар билан дўстона муносабатларни ўрнатишнинг аҳамиятини, шунингдек, ўша инсонларнинг болага нисбатан муносабатини ҳам инобатга олиш зарур бўлади. Алоҳида эътиборни боладаги жисмоний имкониятларнинг чегараланганлиги унга таъсир кўрсатиши ёки ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларининг ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ижтимоий шароитларнинг яратилганлигига қаратилиши лозим.

II Боб

Оила ва болалар билан ижтимоий иш олиб боришнинг усул ва йўллари

Ушбу бобда ҳам хорижий олимларнинг бу борадаги фикрларни асос қилган ҳолда ёндашамиз. Чунки хориж тажрибаси биз учун назарий ва амалиё жиҳатдан янгилик бўлган ушбу соҳа ҳар томонлама ўрганишликни тақазо этади. Ижтимоий иш усулида оилавий терапия асосий манбалардан биридир. Оилавий терапиянинг муҳим хусусиятларидан бири шуки оила билан амалга оширилиши муҳим бўлган андозалар ушбу терапия орқали намоён бўлади. Оиланинг умумий кўриниши, фаолиятини белгилайди. Бизнинг республикамизда ҳам ана шу кўриниш ўзига хос ёндошиш билан олиб борилишини тақазо этади. Хориж тажрибасига таянган ҳолда бу борадаги фикримизни ойдинлаштирамиз.

Италияда биринчи марта оилавий терапия қўлланилган. Мазкур ишнинг асоси патриархал рол ва мажбурият ҳисобланган. Оила билан ижтимоий тизим ёки яхлит организм сифатида иш олиб борилган. Қандай синфга, ирққа ва тузилишга қараб турли оилавий ҳаёт турлича қабул қилинади. “Меъёр”даги оила ҳақида гапириш қийин, ҳар бир оила ўз мулоқлти ва қадриятлари, хулқи ўзига хос намунага эга. Шундай экан, ижтимоий ишчининг вазифаси, “Бу оила қандай яшайди?” деган саволни тушиниши зарур бўлади. Ҳар бир оиланинг ривожланиш йўлида бир қанча ўткинчи даврларни босиб ўтади. Ҳар бир оилавий гуруҳни қайта қуриш, ўз аъзоларини яхлит таъминлаш демақдир.

Оила ҳаётининг циклга эга: биз ҳаётни болага боғлаб бошлаймиз ва ўз мустақиллигимизни ота-онамизни уйида ривожлантирамиз, яримта оилавий жуфтликка айланамиз, оилани болалар билан тўлдтрамиз, уларнинг мустақиллигини таъминлаймиз, қачонки, ота-она уяси тарк этмагунча, сўнг кексайганда яна қарамликка айланамиз. Ҳар бир оила аъзоси мазкур ўзгаришлар билан курашади ва уларнинг барчаси бир вақтда ўзгариши

мумкин. Оила эса ўзаро муносабат моделини қайта кўриб чиқишга мухтож бўлиши мумкин. Ҳар бир оила ўзаро муносабат спектрининг учдан бир қисмига жойлашган бўлиши мумкин. Агар оиланинг ўтиш жараёни ва шаклини ўзгартира олиши мумкин бўлса, шундагина у муаммодан қочиб доимий ноаниқликка дучор бўлади, янги эҳтиёжлар билан келиша олмаслик ва мослаша олмаслик ҳолати содир бўлади. Биз кўрамизки, ўсмирлар учун доира ва қоидаларни қайта кўриб чиқишнинг имкони йўқ, ташкиллашмаган оилада, яъни ҳар бир авлоднинг ўз чегаралари ва кутиладиган натижалари мавжуд, шунингдек, ота-она эса жажжигина фарзанди билан меҳр ёки ўйинчоқда рақоталашади. Оиланинг ўз ҳаёт циклида жойлашган, ижтимоий ишчи ҳар бир оиланинг ички иерархиясини таҳлил этиши керак. Аралаш ва таъкидланган авлод чегараси ёки иерархиясини кузатиш керак. Агар ўзаро муносабат жуда яқин ёки жуда узоқ бўлса, қийинчилик мураккаблашиши мумкин. Оила структураси ва ундаги ўзиро муносабат тушунчасини генограммани қўлланиши орқали кўриш мумкин. Оилавий динамикани ижтимоий ишчи тушуниши учун оилани тизим сифатида кўриб чиқиш мумкин. Оилавий динамикани ижтимоий ишчи тушини учун оилани тизим сифатида кўриб чиқиш зарур.

Оилани тизим сифатида ўрганиш ва тушиниш керак. Оилани тушини ў учун уни кичкина ташкилот, яъни қарор қабул қилиш, иерархия қоидасига эга, мулоқот ва назорат шакл моделига эга сифатида кўриш мумкин. Қўшимча қилиб биологик алоқа, умумий тарих ва оилада аъзоларни танлаш имкониятларини етишмаслигини билдиради. Қачонки, биз бу ташкилотга кўшилсак, шундагина биз уларни кўринмайдиган қоидаларини ўрганамиз. Агар биз бу тизимга қарасак, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати, ҳар бир аъзонинг бир-бирига тъсири, улар мустаҳкам ва мавқеини сақлайди ва муносабат ўзгаришини назорат этишни кўришимиз мумкин. Ҳар бир инсон ўзига хос қазиятларда ва бошқа инсонларга қараб ўз таъсирларини ўзгартириш қобилиятига эга.

Оила тизимини ўрганишда ижтимоий ишчи оиланинг ҳаёт фаолият усулини ўзгартириш, уларни қайта ташкиллаштириш мумкинлигини билиши зарур. Шундай экан баъзан инсонлар “меъёр”даги танглик натижаси содир бўладиган қийинчиликларда адашишлари мумкин. Бироқ оила бу муаммоларни ечиш учун ҳаракатлари натижасида мураккаблаштириш юборадилар, натижада спирал кўринишдаги умолар шакли пайдо бўлади. Ижтимоий ишчи чизик кўринишида эмас, балки думалоқ шаклда кўришлари лозим. Мазкур вазифани бажариш жараёнида ижтимоий ишчи яхлит ва тизимли манзарани кўради ва бирор бир кишининг томонини ёки айблов эмас, оилавий қийинчилик сабабидан келиб чиққан ҳолда енгил тушинтириш беради. Ҳар бир инсон ҳаракатининг думалоқ тизимини кўриш ва этиборга олиш зарур. Хеч ким жабрдидда бўлмайди ва ютқазмайди. Бу моделнинг битта кмчилиги шундаки, жамият ичида ва оила ичидаги аёл ва эркеклар орасидаги тенгсизликни четлатиш имкониятини туғдирмайди. Ижтимоий ишчи бу вазиятларни кўриш учун оилага ёрдам бериши керак, шунингдек, агар ўзлари хоҳласалар. Улар оиланинг ички муносабатларини кўриши мумкин. Оилавий тафовутларни англаш ва унга қараб фикр юргизиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Оила билан ишлаш

Ижтимоий ишчи учун оиланинг муаммоли иштирок этувчини эмас, балки барча оила аъзолари билан тушинтириш ишларини оилб бориш аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Муаммонинг аҳамиятини тасдиқлаш ва унинг олдини олишда ёки унга ёрдам бериш учун ижтимоий ишчи оиланинг ҳар бир аъзосини таклиф этиши ва ўзини қулай ҳис этиши зарур. Бу бошланғич фаза жуда муҳим ва ижтимоий ишчи шошилмаслиги зарур, балки оилани ўрганиб унинг функциясини аниқлаши лозим. Ижтимоий ишчи тақиқланган коментария ва аниқлаштирувчи саволлар беради, ойна акс этиш тактикаси сифатида ва оила усулини қабул қилади. Оила аъзоларидан сўранг, улар аниқ нимани хоҳлаётганларини ва сиз имкониятига қараб ёрдам беришингизни таклиф этасиз. Инсонлар билан мулоқотда сиз уларнинг

хавотирланишини бартараф этишингиз ва суҳбат ўтказишингиз, муаммони аниқлашингиз мумкин. Агар бу жараён жуда тез ва шошилишда ўтса, агар ижтимоий ишчи оила муаммолари бўйича қийинчиликларни ўз масъулиятига олса, бу келгусидаги ишнинг самарасини камайишига сабаб бўлади. Кўпчилик оилалар бу муаммони ҳал этишни ҳоҳлайди. Ижтимоий ишчи ўзидан ёки оиладан сўраши зарур: “Мазкур муаммо ҳар бир оила аъзосига қай даражада таъсир этади? Ёки агар мазкур муаммо ҳал этилса, нима содир бўлади?”. Баъзи ҳолларда муаммо оилага ёрдам беради.

Ижтимоий иш ходимининг бу ердаги мажбуриятлари вазиятга қараб иш кўриш принципига амал қилинади ва оила билан ишлашда ўзининг тушунчаси ва амалий ёндошиш баробарида амалга оширилади. Унинг бурчи деб ҳам баҳолаш мумкин.

Усуллар

1. Психоаналитик модел оилавий миф, авлодлар таъсири ва потологиянинг ўзиро боғлиқлиги, масалан, келгусидаги эр-хотинликни болаларга чизиб беришни ўз таркибига олади. Генограммани қўллашлар оилавий дарахт ёки оилавий манзара низоларни чуқурроқ акс этиш муаммосини кўришда ёрдам беради. Мазкур низоларга мурожаат этиш учун фойдали усул ҳисобланади.

2. тизимли иш мавжуд ўзаро таъсирга асосланади, тез-тез гумон ва текширув, суҳбат жараёнида, шахс муаммоларини тасвирлаш, ижобий маблағларни ёпиштириш ўзгартиришнинг биринчи қадами ҳисобланди. Масалан, хаддан зиёд ғамхўр ота-онанинг хавотирланиши ифатида кўринади. Бу инсонлар нима қилади ва нимани ҳис этади усулига асосланади. Биринчи қадам инсонлар бир-бирига бўлган муносабатни ўзгариши ҳисобланади.

3. Ижтимоий ишчи “хулқ-атвор”ни ён томонидан кўринишида асосий эътибор аввалги “симптон” қаратилади. Масалан, оиладаги жуфтлик билан ишлаш, уларнинг мулоқотига қараб, симпатия ва антипатия, улар қандай шартнома тузади, бу хулқ-атвор кўринишидаги дарс дейиш мумкин.

4. Истиқболли иш “қайта қуриш” яъни оилага асосий эътиборни қаратади. Масалан, фостер оила фостер болани қўшила олмаётганлигидан таасуфда, болни олиб кетишларини илтимос қилишяпти. Кўпчилик фостер болалари билан оилавий алоқа ва яқинлик узилса вазиятга қўшила олмайди. Истиқболли ва тизимли ёндашув команда ҳақида ғояни ўз таркибига олади, оила ўзиро таъсир этувчи тизим сифатида ва ижтимоий ишчи объекти сифатида ҳимоя қилади, фарқлашга ёрдам беради.

2.1. Инқироз ҳолатидаги оилаларга ёрдам кўрсатишнинг йўллари

Оиланинг инқироз вазиятда унга кўрсатилган ёрдам интервенция деб аталади. Оиладаги интервенция жараёни, инқироз кучига ва оила ўзининг фаолиятидаги мувофақиятларига боғлиқ равишда, ижтимоий ходимнинг турли даражадаги иштироки билан амалга оширилади.

Интервенциянинг ёрдам берувчи даражаси. Мазкур қатламдаги сосий масъулият оиланинг ўзига юклатилган бўлсада, ижтимоий ходим оила хулқини йўналишига таъсир кўрсата бошлайди. Бу ердаги ижтимоий ходимнинг қуйидаги фаолиятлари мос келади. Ижтимоий ва бошқа соҳа хизматларига қўналтириш бўйича оилага ёрдам бериши мумкин бўлган хизматлар ҳақида ахборот берилади. Ўз навбатида оила танлов ўтказиши – бундай ёрдамдан фойдаланадими ёки йўқми. Интервенциянинг бу қатламида оила қарор қабул қилади, аммо ижтимоий ходим оиланинг мазкур хизматларнинг мумкинлигини англаб етиш даражасини оширган ҳолда, амалга оширилишининг эҳтимоллигини энг юқори бўлган зарур қарорни қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ижтимоий ходим оилани хизматларга йўналтиришда турли даражаларда иштирок этиши мумкин. Биринчи даражада эшитиш ижтимоий ходим фақат шунчаки эшитиши билан чегараланиб, ҳар бир инсонга ўзининг шахсий хулосаларини чиқаришга ва ўзи танлашига имкон беради. Бундай ҳолатларда одам унга нима кераклигини яхши билади, шу билан бирга таянчга – қўллаб-қувватлашга

мухтожликни сезади. Кейинги қатлам, яъни ахборотлаштириш қатлами одамнинг ўз муаммолари билан кейин нима қилиши кераклиги ҳақидаги ахборотга мухтож бўлган ҳолатида қўланилади. Бу ерда махсус ким ёки қайси хизмат ёрдам бериши мумкинлиги ҳақидаги энг оддий билимнинг ўзи етарлидир. Кейинги қадам хизматга мурожаат қилишга ёрдам беришдан иборатдир.

Ижтимоий ходим энди ахборотлар билан таъминлабгина қолмай, кейинги поғоналарда ҳам ҳамнафас бўлади, масалан, учрашув ҳақида келишади, бевосита мулоқотларни уюштиради ва одам мухтож бўлган бошқа хизматларни олиши учун шунга каби ишларни бажариши лозим. Тўртинчи даражада, яъни қўллаб-қувватлашда, ижтимоий ходим мижохни, хизматларни олишда зарур бўлган барча шарт-шароитлар билан таъминлаши назарда тутилади. Бундай шароитларга масалан, болани унга қараб турувчи энага билан, ёлғиз қолишига тўғри келган вақтларида, таъминлаш (онаси бошқа боласи билан даволаниш учун клиникага кетганда). Пирамиданинг энг юқори чўққиси – бу таъминлашдир. Бу ерда ижтимоий ходим мижоз учун лозим бўлган бача нарсаларни амалда ҳақиқатдан ҳам бажариши лозим. Масалан, мижозни касалхонага олиб бориши ва унинг зарур бўлган тиббий ёрдамни олганигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ёрдам берувчи интервенциянинг бошқа бир усули шакллантиришидан иборат. Бу ерда уч хил умумий ёндашувни ажратиб олиш мумкин. Мустаҳкамланиш баён қилишни ўрганишнинг асосий принципи хулқ мустаҳкамланиб борганда, бошланғич шароитларда унинг юзага келиш эҳтимоллиги келажакда ортиб боради. Жисмонан мустаҳкамланиш эса, озиқ-овқат, пул ёки мулк билан таъминлашни ўз ичига олади. Ижтимоий мустаҳкамланишга ўз навбатида, эътибор билан тақдирлаш, маъқуллаш ёки қабул қилиш таалуқлидир. Гуруҳга қабул қилиш ёки кадр-қимматининг тан олинishi кучли мустаҳкамланиш баён қилишни ўрганишнинг асосий принципи хулқ мустаҳкамланиб борганда, бошланғич шароитларда унинг юзага келиш эҳтимоллиги келажакда ортиб боради. Жисмонан

мустаҳкамланиш эса озиқ-овқат, пул ёки мулк билан таъминлашни ўз ичига олади. Ижтимоий мустаҳкамланишга ўз навбатида, эътибор билан тақдирлаш, маъқуллаш ёки қабул қилиш таалуқлидир. Гуруҳга қабул қилиш ёки кадр-қимматини тан олиниши кучли мустаҳкамланиш бўлиши мумкин.

Хулқни машқ қилиш. Бу оила учун амалда бажарилишидан олинган хулқда машқ қилиб кўриш имконини яратиб берилишидир.

Хулқ моделини тузиш. Агарда сиз номаълум вазиятга тушиб қолсангиз ва бу ҳолатда ўзингизни қандай тутиб қолсангиз ва бу ҳолатда ўзингизни қандай тутишни билмасангиз, атрофингиздагиларнинг хулқини кузатасиз ва улардаги турли хулқ шакллари қўллай бошлайсиз. Ижтимоий ходим муаммоли вазиятда янги хулқда бўлишига ёрдам бериш мақсадида имитациядан фойдаланиши мумкин. Интервенциянинг мажбурловчи даражаси. Бу ерда ижтимоий ходим бўлиб ўтаётган ходисаларга таъсир қилиш учун ишонтириш ва мажбурлашдан фойдаланилади. Интервенция мажбурлаш даражасини ижтимоий ходим учун зарур бўлган специфик малакалари мавжуд бўлиб, улар: конфронтация, катъийлик, ишонарлик ва акс-таъсир жавобини тезкорлиги.

Конфронтация. Бу инсон хулқининг номувофиқлигини ўрсатгичидир. Агар инсон хулқ-атвори ўзи баён этаётган ҳолатига номувофиқ бўлса, ижтимоий ходим бу номувофиқликларни аниқ ва тиниқ аниқланган ҳолда одамни улар билан юзма-юз қўшиши мумкин. Конфронтациянинг биринчи даражаси вербал даражасидаги номувофиқликдир.

У инон маълум бир вақтда бирор-бир фикрни билдириб, кейинроқ эса уларнинг тескарисини айтса, конфронтациянинг айнан бу номувофиқликка қаратилган бўлади. Мазкур қатламдаги конфронтация тахминан куйидагича баён этилиши мумкин:

Сиз ўтган ҳафтада уйингизда яшовчи одамлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истаётганлигингизни айтган эдингиз, аммо ҳозир келиб, сиз бу одамларнинг жуда такаббур эканликларини ва улар билан учрашиш истагингиз сизда мутлақо йўқ эканлигини гапирмоқдасиз.

Конфронтациянинг кейинги даражаси одамнинг гапираётган гаплари ва хулқ-атвори орасидаги номувофиқликка қаратилган бўлади. Бундай кўринишдаги конфронтацияга қўйгани мисол қилиш мумкин: “Сиз иш топишни жуда кам истаётганингизни менга айтган эдингиз, бироқ вақтингизни телевизор олдида ўтказаяпсиз”. Конфронтация 3-даражада инсон гапираётган сўзлари ва шу вақтнинг ўзида ҳис этаётган туйғулари орасидаги номувофиқликни аниқлайди. Ижтимоий ходим диққат-эътиборни одам ўзи ҳақида ўйлашга ва ҳис этаётган туйғуларга, яъни масалан; “сиз ҳаётингизнинг изга тушиб кетганлиги ҳақида гапираётганингизда товушингиз бироз қалтираб чиқди, шунингдек, кўзларингиз эса, сизнинг ҳозир ҳам хавотир олаётганлигингизни билдираётгандай эди”. Ёрдам берувчи интервенциядаги конфронтация – оддий конфронтациядан бир мунча фарқланувчи конфронтациядир. У четдан кириб келувчи ижтимоий ходим конфронтацияси эмас, бундай конфронтация ўзини ва ўз хулқини яхшироқ тушина олиши учун инсонни ўзининг шахсий номувофиқликлари билан тўқнаштиради. Баҳо берувчи мулоҳазалар ва айблашга имо-ишоралар, шунингдек, одамни ҳақоратлаш ва қўрқитишлар бу конфронтация таркибига кирмайди. Бундай конфронтация инсон хулқидаги аҳамиятли номувофиқликларни оддий тарзда шундай аниқлайдики, бунда инсон мазкур номувофиқликлар билан иш кўришга тўғри келади.

Қатъиятлилиқ ва тезкор акс-жавоб. Мажбурловчи интервенция оилага жиддий, бевосита инқироз хавф солаётган вақтда энг муносибидир. Ижтимоий ходим қатъият билан ва тезликда ҳаракат қилишга қобилиятли бўлиши керак. Ижтимоий ходим айнан вазиятнинг ўзига берилган баҳога асосланган ҳолда қай тарзда, яъни рационал тарзда ҳис қилиши орқали иш кўриши лозимлигини ҳал қилади. Бунинг учун хавф солувчи факторларни тезликда бартараф қилиш ва шундан сўнг энг жиддийсига акс-жавоб бериши лозим. Мажбурий ҳаракатларни талаб этувчи инқироз оиланинг инқироз оиланинг, унинг таянчисиз ҳимоя қилувчи, фаолиятини тахмин қилади. Буларга мисол бўлаши мумкин масалан: озиқ-овқат билан таъминлаш, касалхонага элтиб қўйиш, жойлаштириши ва оиланинг ёдам ҳақидаги

бевосита илтимоиссиз шу кабилар. Мазкур ҳолатда сиз оила томонидан қаршилиқларга дуч келишингиз мумкин, бироқ агарда оила ўзини мустақил ҳимоя қила олмаса бу тўсқинлиқларга қарамасдан фаолиятни давом эттиришингиз лозимдир.

Ишонарлиқ. Агар оила аъзолари ўз вазиятларини умидсиз деб баҳоласалар, бу муаммони ҳал этиш учун куч-қувват топиш жуда қийин бўлади. Бу ерда аниқ бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақидаги қўлланма ва қўйиладиган ҳар бир қадам учун махсус жавобгарликни белгиланиши ёрдам бериши мумкин.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфидаги хулоса қиладиган бўлсак, юқорида айтиб ўтилган фикрлар европа давлатларининг ижтимоий иш амалиётидан ва услубларидан келиб чиқилган фикрлар бўлса ҳам, қисман ундан фойдаланиш учун аниқ йўлланмалар ва муқобил хизмат мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Республикамизда бугунги куннинг вазифаси, ижтимоий иш ходимининг олдига қўйилган вазифа ҳам ана шу услуб ва амалиётнинг бажарилишида кадрларимиздан келиб чиққан ҳолда, урф-одатларимиз, менталитетимиздан келиб чиқаан ҳолда ёндошишлиқни тақазо этади. Ижтимоий иш ходимининг мажбуриятлари ҳам ана шу нуқтага йўналтирилган бўлишлиқни талаб этади.

2.2. Ўзбекистонда ижтимоий иш бошқаруви борасида яратилган шарт-шароитлар

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг тубдан ўзгариши билан аҳолии ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Аҳолии ижтимоий ҳимоялаш механизмларини яратишдаги асосий вазифалардан бири – бу ижтимоий бошқарувда ижтимоий иш соҳасини назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантиришдир. Ижтимоий ишда бошқарув ижтимоий бошқарув турларидан бири бўлиб, ушбу бошқарувда ижтимоий иш объектини, албатта, ёрдамга муҳтож инсон ва гуруҳлар ташкил этади. Демак, бошқарув мазмун

жихатдан нафақат ишлаб чиқариш жараёнини, балки инсонлар ва гуруҳлар, яъни “ижтимоий объектлар”ни ҳам қамраб олади. “Ижтимоий объектлар” ўзининг мураккаблиги, турли шахсий ва хулқий хусусиятларга эгаллиги ҳамда қўйилмаган ҳаракат ва ҳолатларни юзага келтиришига мойиллиги билан ҳам кўп қирраликдир.

Улар маълум даражада индивидуалликка хос бўлиб, ҳар хил ва қарама-қарши қизиқиш, фикр ва эҳтиёжларга эгаллиги билан тавсифланади. Шунингдек, хатти-ҳаракат ва хулқ-атвордаги яширин ҳолатни бевосита идрок этиш, унинг моҳиятини тўлиқ тушиниш ҳамда таҳлил этишда бир хил мазмун ва моҳиятга эга бўла олмайди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий объектларни бошқариш ва улар билан шуни ташкил этиш ўта мураккаб ҳисобланади. Бундан ташқари, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий иш соҳасининг ўзи амалиётга тўлиқ жорий этилмаган, аҳоли эса бу соҳа ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. аҳолини ижтимоий ҳимоялаш хатто раҳбар ходимлар доирасида ҳам кўп ҳолларда хайр-саховат ишларини амалга ошириш тушунчаси даражасида бўлиб, ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш касбий ижтимоий иш тушунчаси нуқтаи назаридан тўлиқ идрок этилмаяпти.

Шу нуқтаи назардан ижтимоий ишда бошқарувнинг ўзига хос томонлари ва унинг функциялари ҳамда турлари ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий иш бошқаруви – махсус касбий фаолият бўлиб, нафақат ташкилот ёки муассасалар фаолиятининг самарадорлигини, балки яхлит мураккаб ижтимоий тизимнинг мақбул фаолияти ҳамда ривожланишини қўллаб-қувватловчи восита ҳамдир.

Ижтимоий иш бошқаруви ўз функцияси ва турларига эгадир. Ижтимоий иш бошқарувининг функциялари – бу ижтимоий бошқарув ташкилотларининг раҳбарияти ва ижтимоий иш ходими фаолиятининг турлари, уларнинг ўзлари бошқараётган киши – ходимларга таъсир ўтказишлари кабилардан иборатдир. Ижтимоий иш бошқарувининг умумий функцияси асосида қуйидагилар ажратилади: вазиятни таҳлил эта олиш ва

натижаларни олдиндан кўра олиш, режалаштириш ва эҳтиёжларни баҳолаш, ижтимоий фаолликка ундаш, координация ва ижтимоий бошқарув ҳамда кадрлар тайёрлаш кабилар. Ижтимоий хизмат, шунингдек. Раҳбарлик фаолияти сифатида ташкилот ва муассасаларни бошқаришдан ҳам иборатдир.

Ижтимоий иш бошқаруви аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида яхлит ҳолда асосий етакчи ташкилот ёки бошқа муассасалар тасарруфидаги алоҳида бўлим бўлиши мумкин. Ижтимоий хизмат ташкилотлари ўз амалий фаолиятларини инсонлар, ижтимоий гуруҳлар дуч келган қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирадилар. Ушбу тузилма ижтимоий муаммоларга дуч келган кишиларга профессионал ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилади.

Ижтимоий хизмат ташкилотлари ва ижтимоий ходим фаолиятининг асосий мазмуни ҳамда ҳолатлари қуйидагилардан иборатдир:

- Ижтимоий иш ходимларининг хизмат турлари мижозларнинг ёки гуруҳлар муаммоларининг мазмуни, яъни ёрдам ва қўллаб-қувватлашнинг талаб даражаси, фаолият турлари (таълим, тиббиёт, кундалик турмуш-тарзи, бўш вақтини ўтказиш ва ҳ.к.)лардан келиб чиққан ҳолда таснифланади;
- Ижтимоий хизмат ходимларининг фаолияти меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва бегиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Қоидаларда ижтимоий хизмат ташкилотларининг мақсад ва вазифалри, молиялаштириш манбаси, ходимларнинг иш мажбуриятлари, иш жараёни амал қилиниши лозим бўлган ахлоқий тамойиллари акс этиши лозимдир.

Барча ижтимоий ишчиларни бошқарувчилар деб ҳисобласа ҳам бўлади, чунки улар нафақат ўз мижозлари билан тўғридан-тўғри ишлайдилар, балки ижтимоий ёрдам кўрсатишда улар ташкилотчи, бошқарувчи воситачи сифатида ҳам чиқадилар. Ижтимоий ишчи бирон-бир ташкилотнинг ходими бўлиши билан бирг, шунингдек, раҳбарият билан келишилган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширсада, лекин у ўз ташаббуси билан мустақил

ҳаракатларни амалга ошириши ҳам мумкин. Буни қандай тушиниш мумкин? Юқоида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий иш ходими нафақат раҳбарият кўрсатмаларни бажаради, балки ўз фаолиятини мустақил тарзда режалаштиради, ташкил этади, бошқаради, назорат қилади. Ушбу вазият билан боғлиқ ҳолда айтиш лозимки, бошқарув борасида яхши билимга, кўникма ва малакаларга эга бўлиши ижтимоий ишчининг асосий касбий лаёқатини ва мазкур касбий фаолиятга лаёқатлилиги даражасини ташкил этади.

Ижтимоий хизмат ташкилоти раҳбари ва ижтимоий ишчи вазиятни бошқаришда ўзаро ҳамкорликда ишлашлари зарурдир. Индивидуал даражада бошқарув кейс-менежмент яъни, ижтимоий иш ходими маълум бир аниқ вазиятни ҳал этиш жараёнида у мазкур вазиятни ҳал этиш бўйича бошқарувчилик функциясини бажаради, айти вақтда унинг фаолиятни ташкилот раҳбари томонидан назорат қилинади ҳамда индивидуал равишда иш олиб борилади. Бу ерда раҳбарият ижтимоий ишчи қуйидаги ишнинг мураккаблиги даражасига қараб унинг ишига кўмак беради, шунингдек, ходимнинг касбий ривожланиши учун шароит билан таъминлайди.

Ижтимоий ишни бошқаришда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши мақсадга мувофиқдир:

- махсуслик қоидасига, яъни ижтимоий хизмат кўрстувчи ҳар бир ташкилот ёки муассаса ўзининг йўналишларини аниқ белгилаб олади ва ўз ходимларини айнан шу йўналиш бўйича касбий салоҳиятига эгаллигини инобатга олган ҳолда ишга қабул қилади ёки қайта ўқишини ташкиллаштириши мумкин;
- интеграция қоидаси, яъни турли махсус ҳаракатларнинг мувофиқлашуви. Улар турли даража ва йўналишдаги яхлит бошқарув жараёнини ташкил этади. Ташкилот ёки муассаса амалга ошираётган фаолиятнинг мақсади, вазифалари ҳамда миқдорнинг қизиқишлари интеграция омили сифатида хизмат қилади. Ижтимоий хизмат ташкилоти ўз мақсади ва вазифалари ҳамда миқдорнинг

қизиқишаридан келиб чиққан ҳолда ўз лойиҳаларини бошқа ижтимоий хизмат таўкилтлари, муассасалари ёки юридик шахслар билан ҳамкорликда олиб боради. Бу жамиятдаги доимий ички ва ташқи омилларнинг ўзгариб туриши вазиятида, мураккаб ижтимоий тизимда алоқаларни ўрнатиши ҳамда ташкилотнинг ўз фаолиятини талаб этилган даражада ташкиллаштирилишини таъминлаши учун муҳимдир;

- вақтни тежаш қоидаси самарали бошқарувнинг асосидир. Белгиланган мақсадга эришиш нафақат моддий, молиявий ресурсларга, балки юзага келган вазиятга тезлик билан адекват муносабатда бўлишга ҳам боғлиқдир. Ижтимоий объектларга кўрсатилаётган ёрдам ўз вақтида, қисқа муддат ичида ва ижобий ҳолда амалга оширилиши лозим. Шунингдек, кўрсатилаётган ёрдамнинг қисқа ёки узок муддатли, бир мартали ёки доимий бўлиши мижоз билан олдиндн келишлиган ҳолда аниқ белгиланиши лозим;
- ижтимоий иш бошқаруви қоидалари таркибига, албатта, ташкило томонидан белгиланиши зарур бўлган устивор ижтимоий мақсадлар ҳам киритилади. Ижтимоий хизмат ташкилоти ёки муассаса ўзи жойлашган ҳамда хизмат кўрсатиши мумкин бўлган худуд аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзида сифат ўзгаришларни киритиши, уларнинг ўз ҳаётлари олдидаги ижтимоий масъулиятини, ҳаётий фаровонлигини ошириш каби устивор мақсадларни кўйилиши мумкин.

Ижтимоий иш бошқаруви жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўри олиш ва бартараф этишда ижтимоий кўмак жараёнининг сифатли ва манзилли бўлишини таъминловчи профессионал фаолиятни ташкил этади ҳамда бошқаради. Шундай экан, бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ижтимоий иш бошқаруви нуқтаи назаридан ёндашув

мақсадга мувофиқдир. Зеро республикамызда ушбу тадбирларни амалга оширишда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, қонун устиворлигига даҳлдор ҳолатда амалга ошириш кўзда тутилган.

Хулоса

Мамлакатимиз ўзининг мустақиллигига эришган кундан бошлаб, демократик давлатчиликнинг ўзига хос ривожланиш жараёнида маънавий-маърифий, тарбиявий соҳада, ижтимоий соҳада ўзига хос ижобий ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Ушбу жараёнда халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ижобийишлар муҳтарам президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан бўлаётган юртимиздаги ўзгаришлар таҳсинга сазовордир. Халқаро кузатувчилар, жаҳон ҳамжамияти ҳам бу борада республикамызда амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бермоқдалар. Айниқса, ҳар бир йилнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолда номаланиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ушбу йиллар орасида “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Сихат саломатлик йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Баркамол авлод йили” дастурлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадбирларнинг бош ғояси мазмунида халқимиз, оилаларнинг бахтли ҳаёти, фарзандлар камоли мужассамдир. Бу ишларнинг замирида халқ фаровонлиги, оила тотувлиги, оилавий муносабатларнинг ижобий қарор топиши сингари ҳаётини кўникмалар ётади. Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур битирув малакавий ишинг амалга оширишдаги кўрсатма ва вазифалар, оилавий муносабатларни ўрганиш, оила ва болалар билан ижтимоий иш олиб боришнинг усул ва йўллари орқали асосий мақсадга эришиш мақсад қилиб кўйилди. Ана шу фикрларга ёндошилган ҳолда ушбу амалга оширилган битирув-малакавий ишининг мавзуси “Ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш амалиёти” деб номланди. Ушбу битирув малакавий иши кириш, иккита боб, ҳар бир бобда иккитадан кичик мавзу, хулоса, тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб,

оиладаги маънавий муҳитни, ахлоқий-ижтимоий тарбияни шакллантиришда амал қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаш ва унинг моҳиятини очиқ бериш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Киши қисмида мавзунинг долзарблиги ва мақсад-вазифалари баён этилган бўлиб, ижтимоий ҳаётда оиланинг ўри, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги бурчи ва мсўлияти туйғусини кучйтириш, энг долзарб масалалардан эканлиги аъкидланган ва президентимизнинг бу борадаги фикрлари баён қилинган. Мақсад ва вазифаларни белгилаш йўллари ишлаб чиқилди, мавзунинг гнезиси, яъни келиб чиқиши ва ривожланиши жараёни таҳлил қилинди. Шунга кўра қуйидаги услуб ва йўллар мақсадга мувофиқ деб танланди.

- оилада соғлом муҳитни яратиш омилларини таҳлил қилиш, оиладаги шарт-шароитларни ўрганиш;
- оилада миллий қадриятларга эътибор берилишига аҳамият бериш, унинг ахлоқий кўринишларига эътибор бериш;
- оиланинг тузилиши жараёнига эътибор бериш, оила аъзоларини касбий фаолиятларини ўрганиш;
- оилада маънавий тарбияни йўлга қўйилганлиги ва унинг омилларини, фарзандлар маънавий дунёсини шакллантиришда ота-онанинг ўрнини таҳлил қилиш;
- оилавий қадриятларга эътибор берилганлиги ва уни фарзандлар тарбиясига таъсир этганлигини ҳисобга олиш;
- хулоса қисмида барча ўрганилган омилларни умумлаштириб, умумий тарзда хулосага келиш ва натижаларни баён этиш, умумий ҳолатда яқун ясашдан иборат бўлди.

Ана шу мақсадларни амалга оширишда ўзим ишлаётга Қўқон шаҳар 17-мехрибонлик уйи аниқ жой қилиб белгиланди. Мен бу мехрибонлик уйида ижтимоий масалалар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлайман. Директоримиз Тоғаева Дилдорахон раҳбарлигида оилалар билан

меҳрибонлик уйини орасидаги муносабатлар, алоқа ва зарурий ишлар ижобий йўлга қўйилган.

Бизнинг меҳрибонлик уйимизда 78 та бола тарбияланади. Болалар 3 ёшдан 12 ёшгача бўлиб, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ярим етим, етимболаларни ташкил этади. Болалар 4-синфдан сўнг 12-меҳрибонлик уйига ўтади. Болаларни тутинган оилаларга ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари инқироз ҳолатидаги оилаларга ҳам ёрдам кўрсатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Оилаларни ижтимоий аҳволини ўрганиш, болалар тарбиясидаги ижтимоий нуқсонларни бартараф этишда ҳам тез-тез оилаларда бўлиб, кўлимиздан келганча маслаҳат ва ёрдამимиз билан фаолият кўрсатамиз. Битирув малакаивий ишнинг биринчи боби “Ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш” деб номаланган бўлиб, ижтимоий иш касбий фаолиятининг барча йўналишларига назар солинади, улар орасида ота-она қарамоғисиз қолган болани тутинган оиллага жойлаштиришдаги мажбуриятлари ҳақида гап боради. Бола эҳтиёжларини қондира олиш учун барча имкониятларни яратиб бера оладиган тутинган оилани аниқ белгилаш, бу борада бола эҳтиёжлари ва маъқул топилган тутинган оила аъзолари эга бўлган кўникма, қобилиятларни мавжудлиги имкониятларига қараб иш кўришлик тавсия этилади.

Меҳрибонлик уйларида фаолият юритувчи ижтимоий иш ходимининг мажбуриятлари биринчи бобнинг иккинчи параграфида баён қилинган. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларнинг ижтимоий вазиятига баҳо берган ҳолда, ижтимоий етимлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини тарбиялашда мажбуриятларнинг тўла амал қилиниши шарт бўлган тамойилларга суяниш керакли муҳимлиги таҳлил қилинади.

Иккинчи бобда оила ва болалар билан ижтимоий иш олиб боришнинг усул ва йўллари ҳақида фикр юритилади. Бунда хорижий олимларнинг фикрларини асос қилган ҳолда ёндошилади. Ижтимоий иш усулида оилавий терапия асосий манбалардан бири сифатида айтиб ўтилади. Оилавий терапиянинг муҳим хусусияти оила билан амалга оширилиши муҳим бўлган

андозалар ушбу терапия орқали намоён бўлиши таъкидланади. Иккинчи бобнинг биринчи параграфида сўз инқироз ҳолатидаги оилаларга ёрдам кўрсатишнинг йўлари ҳақида боради. Яъни оиладаги интервенция жараёни, инқироз кучига ва оила ўзининг фаолиятидаги мувофақиятларига боғлиқ равишда ижтимоий ходимнинг турли даражадаги иштироки билан амалга оширилиши кўзда тутилади. Иккинчи параграфда эса Ўзбекистода ижтимоий иш бошқаруви ва яратилган шарт-шароитлар ҳақида фикр юритилади. Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг тубдан ўзгариши билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий бошқарувнинг ўзига хос томонлари ва унинг функциялари, ижтимоий ишнинг касбий фаолият сифатида талқин қилиниши ва бу борада олиб борилаётган амалий ишлар таҳлил қилинади. Ижтимоий хизмат ташкилотлари ва ижтимоий иш ходими фаолиятининг асосий мазмуни алоҳида тамойиллар асосида белгилаб берлади. Ушбу битирув малакавий ишнинг якуний қисмида юртбошимиз сўзларини келтиришни жоиз деб билдим. “Юртимизда ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади, шу боис оила ижтимоий ҳаёт тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги тутган ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматни англаб етмасдан туриб, халқимиз мафқурасини ярата олмаймиз”. Ушбу сўзлар замирида оиланинг муқаддаслигига ишонч ҳисси, зўр эҳтиром ётадики, биз ижтимоий иш ходимлари керакли хулоса чиқариб олишимиз учун далиллар етарлидир. Зеро бугунги кунда республикамизда ижтимоий иш ходимининг касбий фаолияти тан олинган экан, шунинг ўзи бажарилиши керак бўлган ишларни сидқидилдан адо этиш барча ижтимоий иш ходимларидан сабот-матонатни талаб қилаётгани ёрқин далилдир.

Тавсиялар

Ўзбек оиласи қадимдан эзгулик ва садоқат, аҳиллик ва нопоклик тимсоли бўлиб шаклланган ва бугунги кунгача халқимиз бу анъанани муқаддас сақлаган ҳолда давомийлигини сақлаб қолмоқда. Ўзбек оиласида

анъанавий тарбия ҳамиша бош мезон бўлиб келган ва ундаги ижтимоий-маънавий муҳит муҳим ўрин тутди. “Қуш уясида кўрганини қилади” дейилган ҳадлқимизнинг машҳур мақоли айнан оиладаги маънавий тарбияни, муҳитни шакллантиришда муҳим воситадир. Бу вақтда оила ва болалар билан ишлаш ҳам ижтимоий иш ходими олдига талай мажбуриятлар қўяди. Шундан келиб чиқиб умумий тавсияларни баёни қуйидагича изоҳланади:

- ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан иш олиб боришда уларнинг барча томонларини яхши ўрганган ҳолда, оилавий шароитларни, оиладаги аҳволни таг-туғи билан танишган ҳола ишга киритиш;
- ота-она қарамоғисиз қолган болани тутинган оилага жойлаштиришдаги мажбуриятларни бажаришда бола асраб оладиган оилани тубдан ўрганиш, уй шароитлари билан, оила иқтисоди билан танишганидан сўнг аниқ фикрга келиш;
- меҳрибонлик уйларидаги фаолиятига доир масалаларни ҳал қилишда, ижтимоий иш ходими кадриятлари асосида иш кўриш ва аниқ режа асосида фаолият юргизиш;
- инқироз ҳолатидаги оилаларга ёрдам кўрсатишда уларнинг шу вазиятга олиб келган шарт-шароитлар билан танишиш ва таҳлил қилиш;
- оила ва болалар билан иш олиб боришда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан четга чиқмаслик, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида тинмай изланиш;
- ижтимоий ишчи касбини муқаддас билиб, ёрдамга мухтож оилаларга сидқидилдан ёрдам бериш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Миллий истиқлол ғояси – халқимизнинг ишончи ва эътиқоди”. Т.: “Ўқитувчи” 2000
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т. “Ўзбекистон” 1997
3. Каримов И.А. “Бунёдкорлик йўлидан”. I жилд. Т.: “Ўзбекистон” 1996
4. муаллифлар гуруҳи. Истиқлол даврида оила кадрияларининг трансформациялашув жараёнлари. Фарғона 2007
5. С.Маннопов. Оила ва оилавий муносабатлар социологияси. Маърузалар матни. Фарғона 2007
6. “Бола ва замон” журнали. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази. № 4. 2009
7. Ижтимоий ишчининг мулоқотчанлик малакалари. Тарқатма материаллар. Тошкент 2007
8. С.Таджиева., Д.Сабирава. “Оила ва болалар билан ижтимоий иш”. Курс ўтказиш учун хрестоматия. Тошкент 2009
9. Чичерина Я.Е., Бондарева Е.В., Нуркельдиева Д.А. Хрестоматия для проведения тренинга “Основы социальной работы с детьми инвалидами и их семьями”. Ташкент 2010
10. Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлланма Тошкент 2010
11. Ижтимоий ишчининг касбий талқини. Тошкент 2009